Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 79 (5370).
6 АПРЕЛЬ 1984 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

тонгги газеталарда

● КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети социалистик Эфиопия Мувaққат ҳарбий маъмурий кенгаши ва Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссиясининг раиси Менгисту Хайле Мариамга телеграмма йўллаб, унда шонли байрам — ғалаба куни муносабати билан Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси Марказий Комитетини, Мувaққат ҳарбий маъмурий кенгашни, социалистик Эфиопия Министрлар Совети ва дўст халқини самимий табрикладилар.

«ТЎҚҚИЗЛАР ТАШАББУСИ» — АМАЛДА

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

Ваъда вафоси билан

Шу йилнинг январь ойида Ўзбекистон пойтахтининг ишлаб чиқаришидаги 9 илғор бригадир, меҳнат зарбдори Тошкент шаҳар партия комитетида қабул қилинди. Бу илғорлар бу ерга беш йилликнинг тўртинчи йилидаги ўз режалари ҳақида гапириб бериш, уларни қандай қилиб амалга ошириш ҳақида маслаҳатлашиш учун келишди. Ҳар бирининг қўлида социалистик мажбуриятлар, меҳнат фаолиятининг тажрибаси ва ижодий изланиш билан синалган аниқ ҳисоб-китоблари бор эди.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленумининг хўжалик юритиш даражасини кўтариш, ишлаб чиқариш қувватларидан, барча моддий-техника омиллардан тўлароқ фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини янада юксалтириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва сифатини яхшилаш мақсадида қўшимча резервларни излаш зарурлиги тўғрисидаги қарорлари меҳнат коллективларида жанговар ҳаракат программаси сифатида қабул қилинди.

Шундай қилиб, шаҳарда мусобақа тажрибасига «тўққизлар ташаббуси» сифатида кирган қимматли ташаббус туғилди.

Бригадирлар Валерий Кияшченко, (В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси), Леонид Недорезов (трактор заводи), Буниса Айменова («Малика»), Ольга Карпова («Ташсельмаш»), Ольга Павлова («Қизил тонг»), Шапотхиддин Шаҳобиддинов (2-уйсозлик комбинати), Ҳасан Зокиров («Ташсантехгазмонтаж» тресги), Иван Лисий («Ташметрострой» тресги), Мираҳмад Абдуллаев (шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль тресги) меҳнат унумдорлигини планга қўшимча камида бир процент ошириш, маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент арзонлаштириш, шу асосда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига қадар меҳнат унумдорлиги бўйича беш йиллик топшириғини бажариш учун бошланган социалистик мусобақанинг ташаббускорлари бўлдилар.

Бу қимматли ташаббус Тошкент шаҳар партия комитети томонидан маъқулланиб, кенг қанот ёйди, шаҳардаги саноат, қурилиш ва транспорт корхоналарининг кўпгина бригадирлари, асосий касбдаги ишчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

Беш йилликнинг тўртинчи йилининг биринчи квартали ўтди. Коллективларда юксак мажбуриятлар қандай амалга ошириляпти, ютуқларга қандай эришиляпти? Бугун биз ташаббускорларнинг ва уларнинг издошларининг меҳнат йўқламасини бошлаймиз.

ДАСТЛАБКИ МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Буниса АЙМЕНОВА,
«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригадири.

— Бизнинг бригадамиз ишлайдиган тикувчилик-бичувчилик цехи участкасида устки трикотаж буюмлари, модадаги курткалар, кримплен кўйлаклар, юбкалар, эркакларнинг жемперлари, аёлларнинг вильвет костюмлари тайёрланади. Уларнинг ассортименти салмоқли, савдо ва аҳолининг талабларига мувофиқ равишда ишлаб чиқарилади.

Шунинг учун ҳам биз буюмлар кўримли, тасдиқланган эталонга мос бўлишига ҳаракат қиламиз. Бизнинг КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 йил) Пленуми қарорларига жавобимиз мана шу.

Январь ойида биз мажбуриятда кўзда тутилган маррани эгалладик — меҳнат унумдорлиги план кўрсаткичидан 1,8 процент ортиқ бўлди. Бу бизга 24.330 та буюм ишлаб чиқариш (топшириқ 23.540 буюм эди) имконини берди.

Яна бир нарса диққатга сазовор: биз 99,8 процент маҳсулотни биринчи тақдимда топширдик, 100 сўмлик ёрдамчи материалларни (ип, тугма) тежадик.

Февраль ойида суръатни сусайтирмадик. Участкамизда меҳнат унумдорлиги 102 процентни ташкил этди, қўшимча 700 буюм ишлаб чиқилди.

Март ойида ҳам 19 мингтадан ортиқ буюм тайёрланди.

Қисқаси, биринчи квартал плани тўла ва ошириб бажарилди. Асосан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортименти бўйича топшириқ бажарилди, бир қатор янги трикотаж буюмлар ўзлаштирилди, битта рационализаторлик таклифи жорий этилди.

Қабул қилинган социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилаётганлиги қувончлидир. Участкада тикувчи-мотористкалар З. Алимова, А. Аҳмедова, Д. Остапчук ва бошқалар юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Яна шу нарса қувончлики, корхонада ўнлаб бригадалар меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш бўйича квартал план ва мажбуриятларини муваффақиятли адо этдилар. Булар қаторида М. Дмитришчина, К. Усмонова, Р. Ниёзова бошлиқ коллективлар бор. З. Голошчапова бошлиқ бригада ҳам юксак кўрсаткичга эришди. Бу коллектив меҳнат унумдорлигини планга қўшимча беш процент ўстириш ва шу асосда йиллик топшириқни Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги байрамигача бажариш бўйича мажбурият олди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақани ташкил этиш ташаббускори бўлиб чиққан «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг Б. Айменова бошлиқ бригада коллективи квартал планини муваффақиятли адо этди. Унумдорлик ошди, трикотаж маҳсулотларининг сифати яхшиланди.

СУРАТДА: бригадир Б. Айменова буюмлар сифатини кўздан кечирмоқда.

Т. Каримов фотоси.

Бошқаларга ибрат бўлиб

Мираҳмад АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль тресги ҳайдовчилар бригадаси бошлиғи.

— Ҳар куни эрталаб биз таниш маршрут бўлган «Роҳат» кўли яқинидаги карьердан республиканинг зарбдор қурилиши — мотор заводига қатнаймиз. Иш суръати жадал. Сабаби, бу йил Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига янги корхона биринчи маҳсулотини — Тошкент маркаси қўйиладиган пахтачилик тракторлари учун 100 от кучли трактор двигателлари ишлаб чиқаради. Биз бир йиллик топшириқни тўққиз ойда бажаришни мақсад қилганмиз. Республика юбилейи шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларда биз 800 минг тонна шағал ташиш бўйича йиллик топшириқни 1 октябрга бажаришга аҳд қилганмиз. Коллектив ўз ваъдасининг устидан чиқади. Биринчи кварталда ҳайдовчилар қурилиш объектига 250 минг тонна шағал етказиб беришди ва автокорхонадаги социалистик мусобақа ғолиби бўлишди.

Яна бир омил бизга чеккада қолишимизга йўл бермайди. Йил бошида партиянинг даъватига жавобан Тошкентнинг бир қатор илғор бригадалари сафида бизнинг коллективимиз меҳнат унумдорлигини планга қўшимча камида 1 процент ўстириш ва маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процентга арзонлаштириш ташаббуси билан чиқишди. Бу ватанпарварлик ҳаракатига шаҳарнинг кўпгина меҳнат коллективлари қўшилдилар. Уни бизнинг автокорхонамизнинг ҳайдовчилар бригадалари ҳам қўллаб-қувватлашди. Биз эса ташаббускор сифатида бошқалар учун намуна бўлишимиз керак. Биринчи навбатда биз меҳнатни ташкил этишнинг илғор форма ва методларини жорий этиш ва транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, ҳар бир машинада ташилаётган юкни кўпайтириш, автомобилнинг ремонтсиз юришини, уларнинг сменадаги иш коэффициентини ошириш натижасида эришамиз.

Кўриниб турибдики, бизда алоҳида сир йўқ. Энг муҳими, бригаданинг ҳар бир аъзосининг юксак онглилиги, интизоми, техникага, давлат мулкига виждонан муносабатда бўлиши, ҳар бир иш минутидан омилкорлик билан фойдаланишидир. Айни пайтда В. Курлов, Х. Қурбонов, А. Павелев, В. Шляхин каби ҳайдовчиларимизнинг юксак касб маҳорати ҳам қўл келяпти. Булар ҳаммаси қўшилиб, юксак пировард натижага эришиш имконини бермоқда.

РЕСПУБЛИКА ЮБИЛЕЙИ ШАРАФИГА

Ҳасан ЗОКИРОВ,
«Ташсантехгазмонтаж» тресги 1-монтаж бошқармасининг слесарь-сантехниклар бригадаси бошлиғи.

— Ҳар бир уйни санитария-техника жиҳозларисиз тасаввур этиш қийин, албатта. Буларнинг носозлиги эса истиқоматчини ҳам кўп ташвишга қўяди. Шунинг учун ҳам социалистик мажбуриятимизнинг асосий бандларидан бирида шундай дейилган: «Фақат «яхши» ва «аъло» сифатли иш бажарамиз!». Бригадамиз бунга амал қилиб келяпти. Айни пайтда Юнусобод массивининг СБ—2А кварталидаги 9-уйда санитария-техника ишларини «аъло» даражада амалга оширмоқдамиз.

Бу йилги режаларимиз катта. Иш ҳам шунга яраша бўляпти. Суръатни бўшаштирмаяпмиз. Биринчи квартал якунлари ҳам қувонарли бўлди. Шу кунгача умумий майдони 8.900 квадрат метр бўлган 4 та уйни фойдаланишга топширдик. Меҳнат унумдорлигини планга қўшимча 3,4 процент ўстирдик. Биринчи кварталда пландаги 98 минг сўмлик ўрнига 101 минг сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини бажардик.

Коллективим и з д а бригада пудрати методини такомиллаштиришга катта эътибор қаратмоқдамиз. Бу йил қурилиш-монтаж ишлари умумий ҳажмининг 98 проценти ана шу илғор усул асосида амалга оширилади. Ўтган уч ой мобайнида анча қурилиш материалларини ҳам тежаб қолишга эришдик.

Ҳозир мусобақани янада авж олдиряпмиз. Бу йил республика юбилейига қадар 55 минг квадрат метр турар жойларга санитария-техника жиҳозларини ўрнатиш ишларини бажарамиз, деб ўз мажбуриятимизга ёзиб қўйдик.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Республика автотранспортчилари 1983 йил социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари учун Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига автомобиль транспорти ва тош йўллар ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди.

●

СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» бирлашмасида СССР трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг корхоналари ишлаб чиқариш хизмати бўйича раҳбар ходимларнинг Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш кенгаши ўз ишини бошлади. Улар уч кун мобайнида тошкентлик тракторсозларнинг ишлари билан яқиндан танишадилар ва ўзаро тажриба алмашадилар.

●

Пойтахтимиздаги В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройида «Ўртоқ кино куйлайди» деб номланган театрлашган музикали томошалар бошланади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун соат 11 да Тошкентда 10 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз булутланиб турса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 3—5, эртага кундузи 13—15 даража иссиқ бўлади.

МОСКВАЛИКЛАР ПЕШҚАДАМ

Кеча «Юбилейний» Марказий спорт залида фигурали учиш бўйича СССР шахсий биринчилигида рақс жуфтлиги ва қисқа программада беллашувлар бўлди.

Биринчи куни пешқадамликни қўлга олган москвалик Елена Батанова ва Алексей Соловьёв оригинал рақсда ҳам маҳорат кўрсатишди. Улар пешқадамлик қилишмоқда. Наталья Аненко ва Генрих Сретенский (Москва области), Майя Усова ва Александр Жулин («Спартак» Москва) иккинчи ва учинчи ўринда боришяпти.

Эртага рақс жуфтликлари эркин программада беллашадилар. Шундан сўнг мамлакат биринчилигининг совриндорлари маълум бўлади. Бугун кечқурун спорт жуфтликлари эркин программада беллашадилар. Шунингдек, аёллар якка учишда қисқа программани бажарадилар.

ДЎСТЛИК ОРБИТАСИДА

Космик комплекс ичида Совет-Ҳиндистон экипажи ишламоқда

ТАСС АХБОРОТИ

1984 йил 4 апрель куни «Союз Т-11» космик кемаси «Салют-7», «Союз Т-10» орбитал комплекси билан туташтирилди.

«Союз Т-11» кемаси экипажининг аъзолари космонавтлар Малишев, Стрекалов ва Шарма туташтириш узелининг гермитиклигини текшириб кўрганларидан сўнг «Салют-7» станциясига ўтдилар.

Ер атрофи космик фазосида «Салют-7», «Союз Т-10», «Союз Т-11» илмий тадқиқот комплексининг ичида олти кишидан иборат халқаро экипаж: совет космонавтлари Леонид Кизим, Владимир Соловьев, Олег Атьков, Юрий Малишев, Геннадий Стрекалов ва Ҳиндистон Республикасининг космонавти Ракеш Шарма ишламоқдалар.

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон олимлари биргалашиб ишлаб чиққан илмий тадқиқотлар программаси етти кунга мўлжалланган. Ер табиий ресурсларини тадқиқ этиш ва атроф муҳитни ўрганиш, космик материалшуносликка доир экспериментлар ҳамда медицина тадқиқотлари ўтказиш мўлжалланган.

Космонавтлар Кизим, Соловьев, Атьков, Малишев, Стрекалов ва Шарма ўзларини яхши ҳис этмоқдалар. «Салют-7» — «Союз Т-10», «Союз Т-11» орбитал комплекси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон космонавтларининг биргалашиб ишлашлари космик фазони тинч ўзлаштириш мақсадларида дўст мамлакатларимизнинг қалин ҳамкорлигида янги бир саҳифа очади.

«САЛЮТ-7» — «СОЮЗ Т-10» — «СОЮЗ Т-11» ОРБИТАЛ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ КОМПЛЕКСИНИНГ ХАЛҚАРО ЭКИПАЖИ — КОСМОНАВТЛАР
Леонид Денисович КИЗИМга,
Владимир Алексеевич СОЛОВЬЕВга,
Олег Юрьевич АТЬКОВга,
Юрий Васильевич МАЛИШЕВга,
Геннадий Михайлович СТРЕКАЛОВга,
Ракеш ШАРМАга

«Салют-7» — «Союз Т. 10» — «Союз Т-11» орбитал илмий тадқиқот комплексида биргаликдаги иш муваффақиятли бошланганлиги муносабати билан сизларга самимий табриклар ва астойдил қутловлар йўллайман.

Сизларнинг парвозингиз СССР билан Ҳиндистоннинг космик фазони тинч ўзлаштиришда муваффақиятли ривожланиб бораётган кўп йиллик ҳамкорлиги қонуниятли натижаси бўлиб, совет ва ҳинд халқларининг анъанавий дўстлигини яққол намойиш этади.

Сизлар юксак ишончни оқлаб, биргаликдаги тадқиқотлар ҳамда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган экспериментларнинг планлаштириб қўйилган программасини шараф билан уддалашингизга аминман.

Олдиларингизга қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришингизни ва ерга омон-эсон қайтиб тушишингизни тилайман.

К. ЧЕРНЕНКО.

Совет-Ҳиндистон биргаликдаги космик экипажига

Биргаликдаги космик учишда қатнашаётган совет ва ҳинд дўстларга самимий қутлов ва табриклар йўллашдан ғоятда мамнунман. Биз шу учишни амалга ошириш устида қаттиқ меҳнат қилган икки мамлакат гражданларидан миннатдормиз. Илк бор ҳинд космонавти космосда учаётганлигидан айниқса хурсандман. Учишингиз Ҳиндистон — Совет дўстлигининг рамзи ва икки мамлакат ўзаро манфаат ва бутун инсониятнинг фаровонлиги йўлидаги илмий тараққиёт ишида биргалашиб ижобий ишлай олишларига жуда катта мисолдир. Зиммангизга қўйилган муҳим вазифаларни муваффақиятли бажаришингизга энг эзгу тилаклар билдираман.

ГЬЯНИ ЗАИЛ СИНГХ,
Ҳиндистон Республикасининг Президенти.

Совет-Ҳиндистон биргаликдаги космик экипажига

Космосда биргалашиб учганлигингиз муносабати билан Ҳиндистон ҳукумати ва мен билан бирга бутун ҳинд халқи сизларга қутловлар ва яхши тилаклар йўллайдилар. Неча ойлаб зўр бериб тайёрланиш ва қаттиқ меҳнат қилиш натижасида шундай муваффақиятли парвозга эришилди. Биз шу парвозни амалга ошириш устида биргалашиб меҳнат қилган кўпдан-кўп совет ва Ҳиндистон гражданларидан миннатдормиз. Ҳиндистон учун бу парвоз ҳақиқатда тарихий бир пайтдир.

Бу учиш мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихида муҳим воқеадир. Бу халқларимизнинг фаровонлиги йўлида амалий ҳамкорлик қилишга яна бир ёрқин мисол бўлиб, дўстлигимиз шу ҳамкорликни ривожлантиришга доимо кўмак бериб келмоқда. Биргаликда сарфлаётган куч-ғайратингиз фан тараққиётига ёрдам беради.

Фикри-зикримиз космосда учиб юрган сизларга қаратилган. Омон-эсон учаверишингизни тилаймиз, зиммангиздаги вазифаларни муваффақиятли бажарасиз, деб эзгу истаклар билдирамиз.

Индира ГАНДИ,
Ҳиндистон Республикасининг Бош министри.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси
Марказий Комитетининг Бош секретари

Ўртоқ Константин Устинович ЧЕРНЕНКОга

Ҳиндистон Республикасининг Бош Министри

Индира ГАНДИ хонимга

Биз, «Салют-7» — «Союз Т-10» — «Союз Т-11» орбитал комплекси экипажининг совет ва ҳинд аъзолари космосда биргаликдаги илмий тадқиқотларнинг планлаштириб қўйилган программасини бажаришга киришганимизни қувонч билан маълум этамиз. Орбитал комплекс ичидаги ҳамма системалар нормал ишлаб турибди, биз ўзимизни яхши ҳис этаяпмиз. Ҳозирги пайт зўр бериб қилинган меҳнатнинг якуни ҳамда катта умидлар ва муддаоларнинг рўёбга чиқишидир.

Биз СССР билан Ҳиндистоннинг кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантиришда яна бир муҳим қадам қўйилганидан дарак берувчи, илм-фаннинг янги марраларини ўзлаштиришда мамлакатларимизнинг куч-ғайратларини бирлаштирувчи шу тарихий воқеада қатнашишга мушарраф бўлганимиз билан фахрланамиз. Биз ўз зиммамизга юклатилган масъулиятни тўла-тўкис англаймиз ва бизнинг билим ва тажрибамиз учиш программасини муваффақиятли бажаришга сарфланади, деб сизларни ишонтирамиз. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик равнақ топиб мустаҳкамланаверсин.

«Салют-7» — «Союз Т-10» — «Союз Т-11» орбитал илмий тадқиқот комплексининг Халқаро экипажи

Л. КИЗИМ
В. СОЛОВЬЕВ
О. АТЬКОВ

Ю. МАЛИШЕВ
Г. СТРЕКАЛОВ
Р. ШАРМА

Совет Иттифоқи
Коммунистик партияси
Марказий Комитетининг
Бош секретари

Ўртоқ Константин Устинович ЧЕРНЕНКОга

«Салют-7» — «Союз—Т-10» — «Союз Т-11» орбитал илмий тадқиқот комплексининг халқаро экипажи самимий табрикларингиз ва эзгу тилакларингиз учун Сизга сидқидилдан миннатдорчилик билдиради.

Биз ўзимизга билдирилган ишончни шараф билан оқлаймиз ҳамда биргаликдаги учиш программасини муваффақиятли бажариш учун бутун кучимиз, билимимиз ва тажрибамизни сарфлаймиз, деб ваъда берамиз.

«Салют-7» — «Союз—Т-10» — «Союз Т-11» орбитал илмий тадқиқот комплексининг халқаро экипажи

Л. КИЗИМ
В. СОЛОВЬЕВ
О. АТЬКОВ
Ю. МАЛИШЕВ
Г. СТРЕКАЛОВ
Р. ШАРМА

Ҳиндистон
Республикасининг
Президенти
жаноб

Гьяни Заил СИНГХга

Самимий табрикларингиз ва эзгу тилакларингиз учун сизга астойдил миннатдорчилик изҳор этамиз.

Биз, «Салют-7» — «Союз Т-10» — «Союз Т-11» орбитал илмий тадқиқот комплекси Совет—Ҳиндистон экипажининг аъзолари космик фазони тинчлик мақсадларида тадқиқ қилиш юзасидан белгиланган биргаликда учиш программаси муваффақиятли бажарилиши учун ҳамма ишни қиламиз, деб сизга ваъда берамиз.

«Салют-7» — «Союз Т-10» — «Союз Т-11» орбитал илмий тадқиқот комплексининг халқаро экипажи

Л. КИЗИМ
В. СОЛОВЬЕВ
О. АТЬКОВ

Ю. МАЛИШЕВ
Г. СТРЕКАЛОВ
Р. ШАРМА

Ҳиндистон
Республикасининг
Бош Министри

Индира ГАНДИ хонимга

«Салют-7» — «Союз Т-10» — «Союз Т-11» орбитал илмий тадқиқот комплексида халқаро Совет-Ҳиндистон экипажининг биргаликдаги иши бошланганлиги муносабати билан йўллаган самимий қутловларингиз ва эзгу тилакларингиз учун сиздан миннатдормиз.

Биз ўзимизга билдирилган ишончни оқлаймиз, биргаликда учиш программаси муваффақиятли бажарилиши учун ҳамма ишни қиламиз, деб сизга ваъда берамиз.

«Салют-7» — «Союз Т-10» — «Союз Т-11» орбитал илмий тадқиқот комплексининг халқаро экипажи

Л. КИЗИМ
В. СОЛОВЬЕВ
О. АТЬКОВ

Ю. МАЛИШЕВ
Г. СТРЕКАЛОВ
Р. ШАРМА

- Республикамизнинг шонли юбилейи шарафига
- Биз яшаётган шаҳар—жонажон уйимиз
- Меъморлар билан бунёдкорлар ҳамкорлиги
- Хатга эътибор—элга эътибор

Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби

ФАКТ ВА ША

Юбилей лотереяс

Бу йил Ўзбекистон ССР ва республика Компартияси таш этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган юбилей пул-бу лотереяси чиқарилади. Биз Тошкент шаҳар Совети ижроия митети молия бўлими мудири С. С. БУЗРУКХЎЖАЕВдан шу воқеани шарҳлаб беришни сўрадик:

— Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шу йилнинг 11 мартида республикамиз 60 йиллигига бағишлаб юбилей лотереяси чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди. Бир дона лотерея билетининг баҳоси 50 тийин. Ҳаммаси бўлиб беш миллион сўмлик билетлар чиқарилади. Шундан ўйналадиган ютуқларнинг умумий ҳажми уч миллион сўмни, яъни чиқарилган билетлар умумий пулининг 60 процентини ташкил этади. Тошкент шаҳри аҳолиси учун 950 минг сўмлик лотерея ажратилган. Тираж қачон ўйналади ва унга қандай ютуқлар киритилган?

Юбилей лотереяси тиражи Тошкент шаҳрида 1984 йилнинг 18—19 октябрь кунларида ўйналади.

Лотереянинг беш разряди бўйича тиражда 472 минг 500 та ютуқ; шу жумладан бешта «Волга—ГАЗ—24» автомобили, ўн бешта «Жигули» —ВАЗ—2107», 15 та «Жигули ВАЗ—2113», 50 та «Москвич—412», 50 та «Запорожец—968М», 100 та «ИЖ—Юпитер—4К» кажавали мотоцикли, 100 та «Эстония» радиоласи, яна шунча «Вега—115» магниторадиоласи, 150 та «142М—22—1» ва «142—33» маркали кўп операцияни бажарувчи тикув машиналари, 200 та «Весна—202» ва «205» магнитофонлари, 300 та палос, шунингдек, 1 сўмдан 5 минг сўмгача бўлган пул-буюм ютуқлари ўйналади.

Буюмли ютуқ эгаси ўз хоҳишига кўра буюмнинг қимматини нақд пул билан олиши мумкин. 100 сўмгача бўлган пул ютуқлари республиканинг барча омонат кассаларида тўланади. Бошқа итти-

● ЮКСАК МАДАНИЯТЛИ ШАҲАР НОМИ. УЧУН

Пойтахтда намунали ҳуқуқ тартиботи бўлсин

Уюшқоқлик ва интизомни ошириш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалалари энг долзарб давлат ва сиёсий аҳамиятга молик масалалардан бўлиб, уларнинг ҳал этилиши муҳим аҳамиятга эга. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленумидан кейин бу масалалар пленумларда, партия активларида, шаҳар ва район комитетларининг бюроларида тез-тез муҳокама этилмоқда. Ҳуқуқ муҳофазаси органлари тартиб бузилишларининг олдини олиш ва эҳтиёт чораларини кўриш, Ўзбекистон пойтахтида жамоат тартибини сақлаш бўйича ўз ишларини бир-бирлари билан яқин ҳамкорликда, партия, совет ва комсомол ташкилотларининг иш планларини ҳисобга олган ҳолда олиб бормоқдалар.

Ички ишлар органларининг профилактик ва оператив-хизмат фаолияти мунтазам такомиллаштирилмоқда, милиция ходимларининг топширилган иш учун шахсий масъулияти оширилмоқда. Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар янги ўсган талаблар ҳисобга олиниб яхшиланмоқда, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга талабчанлик билан ёндошилмоқда. Тошкент милициясига меҳнаткашлар коллективларининг йўлланмалари, партия ва комсомол ташкилотларининг тавсиялари билан мингдан ортиқ киши хизматга келди. Улар орасида армия хизматидан қайтганлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг битирувчилари бор. Партия аъзолари сони ошди, милиция офицерлари орасида олий маълумотли кишилар анча кўпайди.

Шаҳар прокуратураси ва шаҳар халқ суди ишини ташкил этишда маълум ижобий ўзгаришлар бўлди. Суд органлари жиноий ва гражданлик ишларини, маъмурий нуқсонлар тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиш сифатига талабчанлик билан ёндошадиган бўлиб қолишди, судловни амалга ошириш маданияти ошди, давлатга келтирилган зарар активроқ қопланяпти, аҳоли ўртасида профилактика ишлари доираси кенгайди.

Кўрилган барча чоралар натижасида ишлаб чиқаришда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасида сезиларли силжиш рўй берди. Чунончи, иш вақти йўқотилиши ўтган йили меҳнат коллективларида 1982 йилга нисбатан 25 процентдан кўпроқ қисқарди. Хўжасизлик, давлат мулкининг ўғирланиши, чайқовчилик, безориликка қарши кураш кучайди. Жиноятларнинг олдини олиш профилактикасига, ҳуқуқ пропагандасига кўпроқ эътибор бериладиган бўлиб қолди.

Уюшқоқлик, меҳнат интизоми ва шаҳарда жамоат тартиби билан боғлиқ ана шу масалаларнинг ҳаммаси Тошкент шаҳар партия комитети ва «Билим» жамияти шаҳар ташкилоти правлениесининг ташаббуси билан маъмурий органлар раҳбарларининг «Билим» жамияти лекторлари, сиёсий ахборотчилар группаларининг раҳбарлари, агитаторлар ва идеологик активлар билан бўлиб ўтган учрашувда кенг муҳокама қилинди.

> **«Ижтимоий ривожланишимизнинг нормал давом этишини жамият манфаатлари билан гражданларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи қонунларга ғоят қатъий риоя қилмасдан тасаввур этиб бўлмайди».**
>
> (КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми материалларидан).

Учрашувда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари М. Ф. Солдатов кириш нутқи сўзлади. Шаҳарда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида ҳуқуқ муҳофазаси органлари қандай ишларни амалга ошираётганликлари ва бугунги кунда уларнинг олдида қандай вазифалар турганлиги ҳақида шаҳар прокурори Ф. Қ. Фозилов, шаҳар суди раиси С. С. Салимов ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари М. С. Салоҳитдинов сўзлаб беришди.

Учрашув қатнашчилари ҳуқуқ муҳофазаси органлари ишидаги ижобий томонларни кўрсатиб ўтган ҳолда жиноий кўринишларга қарши кураш даражаси ҳали қўйилаётган талабларга тўла жавоб бермаслигига эътиборни қаратдилар. Ана шу йўналишда маъмурий органларнинг ходимлари катта ишларни амалга оширмоқлари лозим бўлади. Барча меҳнат коллективлари, пойтахтнинг бутун аҳолиси шаҳарда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишида фаол қатнашган тақдирдагина кутилган натижага эришиш мумкин. Шу нарса муҳимки, ҳамма жойда ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларидан ҳар қандай четга чиқишга муросасизлик вужудга келтирилмоғи лозим.

Кўп мисоллар шундан далолат берадики, меҳнат тўғри ташкил этилган, социалистик мусобақа авж олдирилган, тарбиявий ишга эътибор қаратилаётган ва ичкиликбоз ҳамда меҳнат интизомини бузувчиларга муросасизлик қилинаётган корхоналар ва қурилишларда тартиб бузилишлари анча камаймоқда. Масалан, В. П. Чкалов номидаги авиация, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаларида, «Таштекстильмаш», «Узбекхлопкомаш»да давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, хом ашё ва материаллар сақланишни таъминлаш борасида катта ишлар амалга ошириляпти. Уларда меҳнаткашларнинг ғоявий-сиёсий, меҳнат, ахлоқий ва ҳуқуқий тарбиясига кўп эътибор қаратиляпти. Ёш ишчиларга тажрибали мураббийлар, нисбий тартиббузарларга оталиқ қилувчилар бириктириб қўйилган. Жамоат тартиби ва меҳнат интизомини бузувчилар ишчилар йиғилишларида, ўртоқлик суди мажлисларида муҳокама этилади, деворий ва кўп нусхали газеталарда танқид қилинади, мукофот ва ёз мавсумида отпуск олишдан маҳрум этилади.

Лекин ҳамма жойда ҳам иш ана шу тарзда қўйилмаган. Қатор меҳнат коллективларида тарбиявий ишлар интизомга, тартиб ва социалистик қонунчиликка оғишмай риоя этиш руҳида олиб борилмаяпти. Чунончи сут комбинатида, «Ўртоқ», тамаки, пойафзал ва бошқа баъзи фабрикаларда айрим ишчилар иш куни охирида бир парча газлама, бир банка бўёқ, бир қути конфет олиб кетишни ўзлари учун гуноҳ иш деб ҳисоблашмайди. Уларнинг фикрича: «Бу билан давлат камбағаллашиб қолмайди». Бироқ майда ўғирликлар жамиятга катта моддий ва маънавий зарар келтиради. Ваҳоланки «ташмаловчилар» ошкора, ҳамманинг кўзи олдида ўғирлик қилишади ва ҳеч ким уларни тўхтатмайди.

Савдо, маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида кўплаб ўғирликлар, суиистеъмол қилишлар, камомадлар қилиняпти. Муассаса ички ревизиялари кўпинча сифатсиз ўтказилади, моддий жавобгар лавозимларни бажаришга синалмаган шахслар қўйилади.

Ўртоқлик судлари ғоявий-тарбиявий ишларни бажаришда муҳим роль ўйнайди. Улар сайланадиган жамоат органлари бўлиб, кишиларни меҳнатга, социалистик мулкка нисбатан коммунистик руҳда, социалистик турмуш қоидаларига риоя этиш, гражданларнинг обрўси ва шаънига ҳурмат руҳида тарбиялашда фаол кўмаклашишга даъват этилганлар. Ўртоқлик судларининг фаолиятига кўрилган ишларнинг сонига қараб эмас, балки коллективларда ахлоқсизлик кўринишлари ва тартиб бузилишлари қанчалик камайганлигига қараб, баҳо бермоқ лозим.

Учрашувда таъкидлаб ўтилдики, профилактика советлари, ҳуқуқ-тартибот таянч пунктлари Москва, Киев, Ленинград шаҳарларида фойдаланилаётган жиноятчиликка қарши курашнинг илғор формаларини етарли даражада активлик билан жорий этишмаяпти. Гап ҳар бир уйда ўша жойда яшовчи пенсионерлар, уй бекалари ва тунги сменаларда ишловчилардан жамоатчилик постлари ташкил этиш ҳақида боряпти. Жамоат тартиби сақланишида кўнгилли халқ дружиналари, милиция ва жамоатчиликнинг кўмаклашувчи группалари, профилактика советларидан тўла фойдаланилмаяпти. Бундай аҳволни тузатмоқ лозим бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненко Москва шаҳри Куйбишев сайлов округи сайловчиларининг олдида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «...партия билан давлат маблағларини талон-тарож қилиш, кўзбўямачилик ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, ўғрилик ва порахўрлик каби шармандали ҳолларга қарши курашни кучайтирдилар. Бу вақтинчалик кампания эмас. Бу — доимо ва қатъият билан ўтказилаверадиган йўлдир. Бунда ҳеч кимга шафқат йўқ ва бўлмайди ҳам». Ана шу талабдан тегишли хулоса чиқариб олмоқ лозим. Лекторлар ва пропагандистларнинг меҳнат коллективлари олдида чиқишлари идеологик ишнинг ва маънавий тарбиянинг актив формасига айланмоғи керак.

Биз яшаётган шаҳар — бизнинг жонажон уйимиз. Унда — ишлаб чиқаришда, жамоат жойларида, уйларимизда тўла тартиб бўлмоғи даркор. Бу ҳақда ўзимиздан бошқа ким ғамхўрлик қилади? Фақат аҳоли билан маъмурий органларнинг биргаликдаги куч-ғайратигина Тошкент коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳар деб аталиш ҳуқуқини олиши учун имкон беради. Учрашувда маъмурий органлар раҳбарларига анчагина саволлар ва мулоҳаза билдирилганлиги ва булар меҳнаткашларнинг редакцияга йўллаган кўплаб мактубларида кўтарилаётганлиги шаҳарликларнинг мутлоқ кўпчилиги ана шунга интилаётганлигидан яққол далолат беради.

В. ЛАПИНА.

КПСС аъзолигига кандидат Нафиса Эргашеванинг тўқимачилик комбинатининг 2-филиалида меҳнат қилаётганига тўрт йил бўлди. Ёш ишчи бу даврда калавачилик касбини пухта эгаллаб олди. Яқинда у комбинатда ўтказилган «Ўз касбининг устаси» конкурсида қатнашиб, совринли ўринни эгаллади. Нафиса шу кунларда смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан бажариш билан бирга Тошкент енгил саноат ва тўқимачилик институтининг сиртқи бўлимида ўқияпти.

Х. Мирзакаримов фотоси.

● ТОШКЕНТ КЕЛАЖАККА ОДИМЛАМОҚДА

«МАРКАЗ-28»—ЯНГИ КВАРТАЛ

Ҳурматли редакция! Яқинда газетангиз саҳифасида «Марказ-28» квартали лойиҳаси яратилганлиги тўғрисида ахборот бердингиз. Эшитишимизча, янги квартал биз истиқомат қилаётган Кўкча ариғининг чап томонида, 38-«Известия» номли мактаб атрофида қурилармиш. Шу ростми? Ўзи «Марказ-28» квартали қандай бўлади?

Аҳоли номидан А. ЮНУСОВ.

Т. СОДИҚОВ,
Октябрь райони архитектори.

— Меъморларимизнинг фикри-зикри, бунёдкорларимизнинг ғайрат-шижоати билан янги кварталлар бунёд этилмоқда. «Марказ-28» квартали ҳам энг замонавий, комплекслашган турар жой кварталларидан бири бўлади. Янги квартал шимоли-шарқ томондан Шомаҳмудов кўчаси, шимоли-ғарб томондан Матбуот кўчаси, ғарб томондан лойиҳадаги Шерозий кўчаси, шарқ томондан эса ҳали номи қўйилмаган, кенглиги 55 метрли кўча билан, жанубий томондан ҳозирги Уйғур кўчаси (келажакда бу кўчанинг номи ўзгариб, Асадулла Хўжаев кўчаси бўлади) билан чегараланади.

«Марказ-28»да одатдагидек турар жой бинолари асосий ўрин тутади. Чунончи, Асадулла Хўжаев кўчаси бўйлаб 9 қаватли, 38-«Известия» номли мактаб атрофидаги эски уйлар ўрнида 5 қаватли «Уз—500» типидаги уйлар қурилади. Ҳозирги 38-«Известия» номли мактаб ўрнида 10-босмахона ва район ҳарбий комиссариати биноси қурилади. Унинг ёнидан 1176 ўринли 30 та синфи бўлган иккита мактаб қурилади. Ҳар бири 320 ўринли иккита болалар боғчаси ҳам бунёд этилади. Аҳолига қулай бўлиши учун шу атрофда умумий савдо маркази қуриш мўлжалланган. Бу 38-«Известия» мактабининг жанубида жойлашади.

Оқшомхонлар қизиқиб сўрашган Кўкча ариғининг ўзи тозаланиб, тўғриланиб, бетонланиб, равонлаштирилади, атрофи ободонлаштирилади. Лойиҳадаги кенглиги 55 метрли кўча кўприк остидан ўтиб, Беруний проспекти билан туташади. Шундай қилиб, «Марказ-28» квартали «Марказ-26» ва «Марказ-27» кварталлари билан боғланади.

Янги кварталда бир қатор қулайликлар яратиш кўзда тутилган. Чунончи, 4 та ер ости гаражи, 20—30 машинага мўлжалланган ер устки гаражлари ҳамда маҳалла аҳолисининг эҳтиёжлари учун 2 та жамоатчилик маркази кварталда яшовчилар ихтиёрига берилади.

Ҳозирда «Марказ-28»нинг учта катта уйлари қуриб, фойдаланишга топширилди. Бу уйлар Шомаҳмудов кўчасини безаб турибди. Шаҳарсозлик Совети мукаммал деб топган янги кварталнинг биринчи навбати қурилишини 1986 йилда бошлаш кўзда тутилмоқда. Бу қурилиш Кўкча ариғининг поликлиника жойлашган қисмидан бошланади.

* * *

СУРАТДА: Олмазор массивининг бугунги кўриниши.

М. Нуриддинов фотоси.

ФАКТ ВА ШАРҲ

НЕГА «ЖИГУЛИ»НИНГ МОЙИ ЙЎҚ?

Шаҳримиздаги автозаправка станцияларида негадир «Жигули» машинасининг мойи кўпинча бўлмайди. Кейинги вақтда «Москвич» учун ишлатиладиган ёғни топиш ҳам қийин бўлиб қолди. Нима сабабдан автозаправкаларда шу мойларнинг мунтазам бўлиши учун мутасадди ташкилотлар ғамхўрлик кўрсатишмайди?

З. НУРИДДИНОВ,
Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани.

А. МАҲМУДОВ,
Тошкент нефть базаси директори вазифасини бажарувчи.

— Газетхон З. Нуриддиновнинг «Жигули» машинасининг мойи йўқлиги ҳақидаги редакцияга юборган хатини шаҳримиздаги барча автомобиль заправка станцияси бошлиқлари иштирокида кўриб чиқдик. Ҳақиқатан ҳам ўтган йилнинг тўртинчи кварталида автозаправкаларда «Жигули» мойи бўлмади. Бунинг асосий сабабларидан бири мойни етказиб берувчи мутасадди ташкилотлардан 20 процент ёки 40 тонна «Жигули» мойини кам олганлигимиздир.

Бизга 1984 йилнинг биринчи квартали учун мутасадди ташкилотлар «Жигули» мойидан 135 тонна етказиб беришлари керак эди. Ваҳоланки, шу йилнинг 15 мартигача фақат 96 тонна, яъни планда кўрсатилган мойнинг 70 процентини олдик, холос.

Тошкент нефть базаси томонидан енгил автомашиналарга мойни ўз вақтида етказиб бериш («Жигули»дан ташқари) назорат остига олинди. Шунингдек, нефть базаси раҳбарлиги «Жигули» машиналари учун мойга доир умумий фондни кўпайтириш тўғрисида юқори ташкилотлар билан ёзишма олиб боряпти. Ушбу масаланинг ижобий ҳал этилиши Тошкент шаҳри автозаправка станцияларини ана шу нефть маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш имконини беради.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ЁРДАМ БЕРДИ

Газетхон Ж. Ўрмонова редакцияга ёзган хатида у билан бир уйда қўшни бўлиб яшовчи гражданин Пологовнинг нолойиқ ахлоқидан шикоят қилган эди. Мактуб чора кўриш учун Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасига юборилган эди.

Безорилик қилгани учун Пологов Ҳамза райони халқ суди томонидан тегишлича жазоланди.

* * *

Оқшомхон З. Эшмирзаева редакцияга йўллаган мактубида Генерал Петров кўчаси ва Максим Горький проспекти чорраҳасидаги трамвай бекатлари бошқа жойга кўчирилгани ҳақида ёзган эди. Ушбу мактуб шаҳардаги барча турдаги пассажир транспорти ишини координация қилиш ва ривожлантириш бошқармасига юборилган эди.

Шу бошқармадан хабар қилишларича, ҳозир Максим Горький проспектини Генерал Петров кўчасидан бошлаб «Ташсельмаш» заводигача янгидан қуриш ишлари амалга ошириляпти. Ана шу магистрал йўл қурилиши лойиҳасида транспорт воситалари ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг барча масалаларини ҳал этиш кўзда тутилган. Шунингдек, Генерал Петров кўчаси ва Максим Горький проспекти чорраҳасида жамоат транспорти бекатлари қурилади. Уларнинг ҳаммаси қурилиш нормаларига мувофиқ равишда амалга оширилади.

● ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

ЙЎЛОВЧИЛАР ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛДИ

Газетхон Н. Азимованинг 61-маршрутдаги автобуснинг йўловчиларга қониқарсиз хизмат кўрсатаётганлиги ҳақидаги хати «Главташпассавтотранс» бошқармасига юборилган эди. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари А. Султоновдан қуйидаги жавоб олинди:

«Хатда кўрсатилган фактлар тасдиқланди. 61-маршрутдаги автобусларнинг кўпчилиги эски машиналар бўлганлиги сабабли кўпинча техник сабабларга кўра гаражга кириб кетган. Натижада маршрутда кам автобус қолган. 61-маршрутдаги автобуслар ишини яхшилаш учун қўшимча, яқинда келтирилган иккита янги автобус қўйилди. Бундан ташқари капитал ремонтдан чиқарилган иккита автобус ҳам хизмат кўрсатмоқда. Маршрутга керакли миқдорда ҳайдовчилар ажратилиб, йўловчиларга бригада пудрати бўйича хизмат кўрсатишга ўтказилди.

Автобусларнинг техник жиҳатдан соз бўлиши ва уларнинг маршрутлар бўйлаб бир маромда қатнашини таъминлаш учун навбатчи механиклар, диспетчерлар ва йўл хизматчилари иши устидан назорат ўрнатилди».

ФАН ва ТУРМУШ

Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти

АПРЕЛЬ СОНИДА

Илм-фан мўъжизалари, техника тараққиёти оламидаги ажойиб воқеалар, ихтиро ва кашфиётлар ҳақида «Фан ва турмуш»да кўпдан-кўп қизиқарли мақолалар ўқиймиз. Журналнинг апрель сони космосни ўзлаштириш тўғрисида истеъфодаги генерал-майор-инженер И. Гуровичнинг «Парвоз учун майдон» сарлавҳали мақоласи билан очилади. Ватанимиз космонавтикасининг асосчилари — космик системаларнинг Бош конструктори академик Сергей Королёв ва космонавтика назариётчиси академик Мстислав Келдишларнинг суратлари, космонавтлар, сунъий йўлдошлар парвози ҳақида бир қатор мақолалар берилган.

Журналда Р. Ганеевнинг «Лазер фазогирлар жиловида», В. Суслов ва А. Акбаровнинг музликлар ҳақидаги «Оқ хазина», М. Мамадазимовнинг «Йўл юрса ҳам мўл юриб, 76 йил кезиб...», И. Абдуғаниев ва М. Абдусаломованинг «Оқсувконнинг шифоли лойи», Ж. Файзуллаевнинг «Суюқликнинг сирли ҳаракати», Т. Аҳмедованинг «Ўзбеклар расми шундай бўлган», машҳур ёзувчи Абдулла Қодирий туғилган куннинг 90 йиллиги муносабати билан ёзувчининг ўғли Ҳабибулло Қодирийнинг «Дадамдан қолган боғ», Л. Алибековнинг «Шаҳар ҳавоси: муаммо ва истаклар», А. Сайдалиевнинг «Туш таъбири», З. Эгамбердиевнинг «Чиқмаган жондан умид» ва бошқа кўпгина қизиқарли мақолалар ўрин олган. Шунингдек, журналнинг бу сонида наботот олами, ўрмон одамлари, қурамалар ҳам берилган.

ФАЗОДАГИ ШАКАРОБ

Машҳур астроном Иоганн Кеплер (1571—1630) овқатланишга ўтирар экан, даб-дурустдан хотинига сўз қотди:

— Сен нима деб ўйлайсан, агар фазода ёғ ва сирка томчилари, туз ва мурч зарралари, ошкўк ва бошқа масаллиқ тўғрамалари учиб юрган бўлса, уларнинг беихтиёр тўқнашувидан сен тайёрлаган мана шундай шакароб ҳосил бўлиши мумкинми?

— Ҳеч қачон!— дея унинг сўзини кесди хотини.

— Нега энди?— эътироз билдирди мунажжим.— Менинг ҳисобларимга кўра, қонуниятларнинг тақозо этишича...

— Ҳосил бўлишгаку, бўлади,— дея жавоб қилди хуноб бўлган хотин,— бироқ у мен тайёрлаганчалик лаззатли бўлмаса керак.

● САМО СИРЛАРИ

ДУМЛИ ЮЛДУЗНИ КУТАМИЗ

ГАЛЛЕЙ кометаси ой сайин ва кун сайин бизга томон яқинлашиб келмоқда. Ҳозирги вақтда Ердан кометагача бўлган масофа 7,2 астрономик бирликка тенг. Галлей кометаси сайёрамизнинг 30 градус жанубий кенгламасидан то 40 градус шимолий кенгламасигача бўлган қисмида яхши кузатилади.

Комета Ўзбекистоннинг барча область, шаҳар ва районларида кўринади. Чизмада кометанинг 40 градус шимолий кенгламада кўриниши тасвирланган. Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах областлари ва Фарғона водийси шаҳарларининг кенгламаси шунга тенг ва шу атрофида, Тошкент областида ҳам кометанинг кўриниши чизмадагига яқинроқ бўлади.

Кометани фақат тўрт ой мобайнидагина бевосита кўриш мумкин. Бу давр 1985 йил декабрь ойининг охиридан то 1986 йил апрель ойининг охиригача давом этади. Комета 1986 йил 5 январдан то 25 январгача кечқурун қуёш ботгандан кейин ғарб томонда кўринади. Январь ойининг бошларида унинг уфқдан баландлиги 30 градусга яқин бўлиб, ойнинг охирида эса уфққа яқинлашади. Февраль ойида эса комета уфқдан пастда бўлади ва бизга кўринмайди. Март ойининг бошларидан эрталаб шарқ томонда то 5 апрелгача кўриниб туради. Шу давр мобайнида унинг уфқдан баландлиги 5—10 градус орасида бўлади, холос. Комета апрель ойининг ўрталаридан охиригача кечқурун жануби шарқда кўринади ва уфқдан 25 градусгача кўтарилади.

Кометанинг энг ёруғ кўринадиган пайти 5 февралдан то 9 февралгача давом этади, бироқ, бу вақтда у Ўзбекистон кенгламаларида уфқдан пастда бўлади. Фақат 6,0 катталиккача бўлган юлдузларни бевосита кўриш мумкин, ундан хира юлдузларни эса телескоп ёрдамида кузатиб ўрганилади.

Галлей кометасини ҳар томонлама кузатиш ва ўрганиш ишлари халқаро программага мувофиқ жаҳон миқёсида олиб борилади. Бу ҳақда 1982 йил 26 августда Халқаро Астрономик кенгашнинг XVIII Бош ассамблеясида махсус қарор қабул қилинди.

Думли юлдузнинг Қуёшга навбатдаги яқинлашуви 1986 йил 9 февраль куни кутилмоқда. Шу вақтда Қуёшдан кометагача бўлган масофа 0,59 астрономик бирликкача яқинлашади.

1986 йил 11 апрелда эса у Ерга яқинлашиб келади. Бу вақтда оралиқ масофа 0,42 астрономик бирликни ташкил этади.

Кометанинг орбита элементларини 1981 йилда америкалик астроном Дональд К. Йоманс ҳисоблаб чиққан.

Галлей кометаси мамлакатимиздаги бир қанча обсерваторияларда узлуксиз кузатиб борилади. Кометани кузатиш учун махсус программа тузилган бўлиб, унга Украина ССР Фанлар академиясига қарашли Бош Астрономик обсерватория раҳбарлик қилади.

Республикамизда кометани кузатиш ишлари 1984 йилнинг куз ойларидан бошланади ва 1987 йилгача давом этади. Кузатиш Китоб Халқаро кенглама станциясида ва бир қатор астрономик обсерваторияларда олиб борилади.

Булардан ташқари, Иттифоқимиз бир хил аппаратлар билан жиҳозланган иккита йирик кузатиш станцияси ташкил этади. Бу станциялардан бири республикамизда, Қашқадарё области территориясида жойлашган, баландлиги 3000 метрли Майданак тоғида, иккинчиси эса жанубий ярим шарда, Боливиядаги Тариха шаҳрида жойлашади.

Эсон РАҲМАТОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Китоб Халқаро кенглама станциясида Галлей кометасини кузатиш ишлари раҳбари.

Тикувчилар киритган янгилик

Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб Россияда метр системасини жорий этиш бўйича илмий комиссиялар иш бошлади. Улар метр ўлчамининг афзалликларини ҳарчанд тарғиб этишмасин, барча ҳатти-ҳаракатлар зое кетди. Пухта математик билимга эга бўлган мутахассислар кирита олмаган янгиликни ҳаётга жорий этиш тикувчиларга насиб қилди.

Ўша вақтларда мамлакатнинг кўпгина шаҳарларида Париж модаси урф бўлган ательеларда эса метр билан ишлайдиган чет эллик тикувчилар ишлашарди. Ҳозирги кунда ҳам машиначилар қўллайдиган юмшоқ клеёнкасимон лентадан ишланган ҳар икки ёғига сантиметр рақамлари ёзилган метр ўшанда пайдо бўлган эди.

Бироқ метр, яъни Париж меридиани чорак қисмининг юз миллиондан бир қисми бўлган ўлчам бирлиги Россияга бошқа йўл билан ҳам кириб келган. 1887 йили янги кредит қоғозларининг намуна нусхаларини тасдиқлар экан, ҳукумат эски қонун-қоидаларга хилоф равишда унинг ўлчамларини миллиметрда тасдиқлаган эди. Орадан 31 йил ўтиб, метр системаси Халқ Комиссарлари Совети томонидан қонунлаштирилди.

ЯРИМ ВОЛЬТЕР

Итальян физиги Алессандро Вольта жуда хушчақчақ киши эди. Француз файласуфи Вольтер уни «вольт устуни»ни кашф қилганлиги билан табриклаганида у кулиб юборади ва шундай дейди: — Исмим бекорга Вольта эмас, ахир бу ярим Вольтер дегани-ку!

ҚУРАМА

● Дунёда энг дароз эркак покистонлик Муҳаммад Алам Чанка (1954 йили туғилган)дир. Унинг бўйи икки ярим метр.

● Дунёда энг баланд турар жой биноси Чикаго шаҳридаги 70 қаватли бинодир. Унинг баландлиги 196,7 метр.

● Дунёдаги энг кичкина отни Аргентинада учратиш мумкин. У товуқдан озгина баландроқ бўлиб, оғирлиги — 36 килограмм.

● Энг катта ботинка «юбилей бошмоғи» деб номланган бўлиб, у 1887 йилда кўргазмага қўйилган. Унинг оғирлиги 37 килограмм, узунлиги эса 1 метр. У Лондонда тайёрланган.

● Дунёдаги энг катта шаршара Венесуэладаги Анжел Фолла шоввасидир. У 979,6 метр баландликдан тушади.

● Энг йирик кўчма муз тоғи Гренландияда суратга олинди. Унинг баландлиги 168 метр экан.

● Ҳозирги аёллар ичида энг дароз аёл хитойлик Сан Чанг Линь (1964 йилда туғилгандир). 1980 йилда унинг бўйи 2 метру 40 сантиметр эди. Бу қиз ҳали ўсишда давом этса керак.

● Дунёдаги энг кенг кўприк Австралиянинг Сидней портидир. 51,8 метрли бу кўприкда иккита темир йўл изи, саккизта транспорт магистрал йўли, шунингдек велосипедда юрувчилар ва пиёда йўловчилар учун ҳам йўлка бор.

● Энг катта фаввора АҚШнинг Аризона штатидаги Фонтанлар тепалигига ўрнатилган. Бу фонтан минутига 26460 литр сув сарфлайди. Унинг суви 170,8 метр юқорига кўтарилади. ■

● Энг йирик дур улкан Филиппин моллюскаси чиғаноғидан топилди. Унинг оғирлиги 6,4 килограмм.

● Дунёда энг катта пицца (пирогнинг бир тури) 1978 йилда Нью-Йорк штатидаги Гленс Фоллз шаҳридаги ресторанда тайёрланди. У доимий келувчи меҳмонлар учун 60318 бўлак қилиб кесилди.

● Дунёда энг оғир вазнли кишилар америкалик ака-ука Билли (337 кг) ва Бенни (328 кг) Мак-Крэрилардир. Улардан бири велосипеддан йиқилиш натижасида пайдо бўлган юрак касалидан вафот этган.

● Энг улкан китоб — «Супер бук»нинг ҳажми 274х310 сантиметр, оғирлиги 138 килограмм бўлиб, 300 бетдан иборат. Бу китоб 1976 йили Колорадо штатидаги Денвер шаҳрида нашр қилинган.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ФАРМАЦЕВТИКА РИВОЖИ

БУДАПЕШТ. Ҳозирги беш йилликда Венгриянинг фармацевтика саноати узлуксиз ривожланмоқда. Республикадаги «Гедеон рихтер», «Хиноин» ва «Биогал» сингари йирик корхоналар реконструкция қилиниши туфайли бунга эришилди.

Қардош мамлакатларнинг турдош корхоналари ва илмий-тадқиқот муассасалари билан мустаҳкам ҳамкорлик, ишлаб чиқариш ихтисослашувини ривожлантириш Венгрия фармацевтикаси муваффақиятли ривожининг муҳим шарти бўлиб қолди. Чунончи, Венгрия турли антибиотикларни ҳамда юрак-томир касалликларини ва қон айланиш системаси бузилишини даволаш учун керакли дори-дармонларни тобора кўпроқ ишлаб чиқармоқда. Ўз навбатида у бошқа социалистик мамлакатлардан фармацевтика саноатининг турли маҳсулотларини харид қилмоқда. Шу йилнинг ўзида Совет Иттифоқи ВХРга 17 миллион сўмлик дори-дармон ва унинг компонентларини етказиб беради.

Тайёр маҳсулотларни ва фармацевтика соҳасидаги лойиҳаларни айирбошлаш, айрим препаратларни ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш билан бирга ВХРнинг янги препаратлар яратишда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатлари билан илмий-техникавий ҳамкорлиги муваффақиятли ривожланмоқда. Натижада социалистик мамлакатларда ҳар йили ВХР мутахассислари яратган бештагача янги дори-дармон даволаш практикасига жорий қилинмоқда.

Будапешт. Венгрия Давлат опера театрининг артистлари Илона Токоди ва Роберт Илошфалви Вердининг «Отелло» операсидан роль ижро этмоқдалар.
МТИ—ТАСС фотоси.

ЯНГИ ТАЖРИБА

Ироқдаги техник коллежлардан бирининг профессор Ш. Нуумон автомобиллар учун ёнилғи сифатида хурмодан олинган спиртдан фойдаланиш устида тажриба ўтказди.

Тажриба Бразилиядан сотиб олинган иккита автомашинада олиб борилди. Бу машиналар шакарқамишдан олинган спиртда ишлашга мослашган эди. Ироқ профессорининг фикрича, унинг тажрибаси натижалари катта умид туғдиради. Чунки маҳаллий хурмоларда шакарқамишга нисбатан кўп миқдорда шакар бор. Бинобарин ундан олинадиган ёнилғи бир мунча каллориялироқ бўлади. Хурмодан олинадиган ёнилғи 20 миллион хурмо пальмалари ўсадиган мамлакат учун анчагина истиқболли ҳисобланади.

Яқинда Прагада Чехословакияда биринчи марта юрак муваффақиятли кўчириб ўтказилди. Профессор Владимир Кочандрли раҳбарлигида 43 ёшли Йозеф Дивинга юрак кўчириб ўтказилди, у ҳозир ўрнидан туриб, юра олади.
ЧТК—ТАСС фотоси.

Ҳамкорлик самараси

ЖАЗОИР. Бу ерда Оране шаҳридаги ойна заводи янги маҳсулот— турли маркадаги енгил автомобилларнинг олд ойнасини ишлаб чиқара бошлади.

— Ҳозир ана шу энг катта саноат корхонаси Жазоирнинг саноат ва уй-жой қурилиши учун шишага бўлган эҳтиёжининг 80 процентини таъминламоқда,—деди корхона директори Муҳаммад Таса ТАСС мухбири билан суҳбатда. — Биз, деб таъкидлади М. Таса, Жазоир — Совет ўзаро манфаатли ҳамкорлиги мустаҳкамланаверади, деб ишонамиз.

ЭКСПЕРТЛАР ҚАРОРИ БИЛАН

Венеция шаҳри маъмурияти Италиянинг бу шаҳридаги энг катта кўприклардан бири бўлган — «Понте делл, аккадомиа»нинг ҳаракат учун беркилганлигини эълон қилди. Махсус экспортлар комиссияси асосан ёғоч ва темир конструкцияларидан қурилган бу кўприкни тўла кўздан кечириб чиққандан сўнг, қисқа вақт ичида зарур чоралар кўрилмаса, бу иншоот бузилиб кетиши мумкинлиги учун ана шу қарорга келди.

«Понте делл, аккадомиа» кўприги 1932 йилда қурилган бўлиб, ўтган давр мобайнида бирор марта ҳам ремонт қилинмаган.

Венеция шаҳри ҳокимияти яқин вақт ичида бу кўприк билан ёнма-ён қилиб иккинчи кўприкни қуришни планлаштирмоқда.

Диққатга сазовор жой

Берлин телеминораси реконструкцияси тугагач, яна томошабинлар учун очиб қўйилди. Жуда қисқа — рекорд муддатда пассажир ва юк ташиш лифтлари профилактика қилинди. Икки юз метр баландликдаги томоша майдончаси ва шинамгина кафе ремонтдан чиқарилди.

1969 йилда ишга туширилган Берлин телеминораси ГДР пойтахтидаги энг диққатга сазовор бўлган жойлардан бирига айланган. Уни ҳар йили бир миллион икки юз минг киши келиб кўради.

Тошга айланган скелетлар

Бразилиянинг «Сан-Паулу» штатида динозаврларнинг тошга айланган скелети топилди. Унинг узунлиги ўн метрдан ортиқдир. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳайвоннинг қолдиғи ўта радиоактивлашган. Олимларнинг фикрича, бу факт бундан қарийб 63 миллион йил муқаддам ер атмосфераси ва тупроқ юқори радиацияга эга бўлганлигини тасдиқлайди.

Сурия Араб Республикаси. Қадимий Пальмира ноёб архитектура ёдгорлиги ҳисобланади.

Г. Надеждин фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

КОФЕ МАЪҚУЛ-У...

Бразилия кофесининг довруғи бутун дунёга машҳур. Мамлакатда 3 миллиардга яқин кофе бутаси қайд этилган. Бразилия ер юзида кофе етиштирадиган 50 та давлат орасида уни экспорт қилиш бўйича биринчи ўринда туради. Ўтган йили мамлакатда етиштирилган кофенинг ярмидан кўпи чет элларга сотилиб, 2 миллиард доллардан зиёд соф даромад олинди.

...ЧОЙДАН ЎТАВЕРСИН

Деярли барча Ғарб мамлакатлари, жумладан Буюк Британия аҳолиси кофега ружу қўйгани ҳаммага аён. Шунга қарамай, яқинда ўтказилган кузатишларда буюк британияликлар кўпроқ чой ичишни маъқул кўриши маълум бўлди. Статистик маълумотга кўра, мамлакатнинг ҳар бир аҳолиси кунига 4 чашкадан чой ичар экан. Бу эса мамлакат аҳолиси истеъмол қилган кофега нисбатан қарийб икки баравар ортиқдир.

ОЛИМЛАР, ҲАНГОМАЛАР

●

УЧУВЧИ АРАВАКАШ

Инглиз олими Жорж Кейли (1773—1857) норғун йигитлик чоғидан аэропланга қизиқиб, 36 ёшга кирганида қанот сатҳи 27 квадрат метрли бинойидек планер ясайди. Ўз фойдасини яхши биладиган Кейли учувчи қидириб юрмай, учиш аппаратини синовдан муваффақиятли ўтказишини ўз аравакашига топширади. Аравакашнинг бахтига планер кенг водий узра оғиб-нетмай бешикаст учиб ўтади. Қувончи ичига сиғмаган Кейли планер олдига югуриб боради-ю, аравакашини табриклай кетади. Ранг-қути ўчган шўрлик аравакаш эса жаҳл ва қўрқувдан тилини тиёлмайди:

— Жаноб! Ихтиронгиз ўзингизга сийлов! Шуни унутмангки, мени учувчиликка эмас, аравакашликка ёллагансиз!

● АТЕИСТ САҲИФАСИ

ТУШ ТАЪБИРИ

УЙҚУ, айниқса туш, қадим замонлардан бери турли афсона, ҳикоя ва эртаклар яратилиши учун бир манба бўлиб келган*. Руҳонийлар уйқу ва туш кўришдан ўз мақсадида фойдаланиб, уларнинг нималиги ва сабабларини илоҳий кучларга боғлаб изоҳлашаверган. Диний тушунчаларга кўра, одамнинг тириклиги унинг танасида бўладиган «жон» ёки «руҳ»га боғлиқ эмиш ва жон киши танасига кириб-чиқиб юрар эмиш.

Уйқу ва туш жумбоғини машҳур физиолог олим И. Павлов ҳал қилди. У ўзининг тажриба ва текширишларига асосланиб, уйқу бош мия шарлари, мия марказлари, оралиқ ва ўрта мияга тарқалган тормозланиш жараёнидан иборат эканини кўрсатди. Олимнинг фикрича, тормозланиш —ҳимоя жараёнидир. Демак, уйқу, руҳонийлар таърифлаганидек, қандайдир «жон»нинг танадан чиқиб кетишидан вақтинча ҳолат бўлмай, балки организмни, хусусан, марказий нерв системасини ташқи таъсирот натижасида бузилишдан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган физиологик ҳолат экан.

Сўнгги йилларда уйқудаги мия фаолиятининг янги хусусияти аниқланди. Уйқу учун хос бўлган миядаги суст электр фаоллик ҳолати уйқу бошланганидан 50—70 минут ўтгач, уйғоқ мияга хос бўлган тез, аммо кичик амплитудадаги электр активлик билан алмашади. Бу ҳолат 5—20 минут давом этади ва кейин ҳар 80—90 минутда такрорланиб туради. Бу ҳолатда кўз соққаси ҳаракатлари тезлашади, юз мускуллари қисқариб туради. Модда алмашуви ортади. Уйғоқликка хос бундай ташқи белгилардан ташқари, уйқу янада чуқурлашувидан гувоҳлик берувчи аломатлар ҳам бор. Уйқунинг бу даври парадоксал уйқу деб номланган. Мия пўстлоғи ва пўстлоқости тузилмалари нейронларнинг парадоксал уйқу пайтидаги реактивлиги уйғоқлик вақтидагидан ҳам ортиқ. Шундай қилиб, уйқу ўзаро алмашиб турадиган икки фазадан: суст электр фаолликка эга бўлган суст уйқу ва тез электр фаолликка эга бўлган қаттиқ уйқу ёки парадоксал уйқудан иборат экан.

Туш кўриш ҳодисасининг сабаблари турлича бўлгани учун тушлар ҳам бир неча хил бўлади. Чунончи, киши ҳаётида содир бўлмаган воқеаларнинг тушга кириши, «даракчи» ёки ўнг келган тушлар ,«ижодий туш». «башоратли» ёки «мўъжиза» туш кабилар ҳам мавжуд. Кўпгина эски ва диний китобларда мана шундай «башоратли» «мўъжиза» тушлар ҳақида ривоят қилинади. Бундай тушлар худо ва бошқа илоҳий кучлардан ваҳий келиши туфайли кўрилар эмиш.

Милоднинг II асрида Қадимги Юнонистоннинг Далдис шаҳрида яшаб ўтган Артемидорнинг «Туш таъбирномаси» китоби туш таъбирлаш борасидаги биринчи тўплам эди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида ўзбек, татар ва усмонли турк тилларида ёзилган талайгина таъбирномалар сақланади. Ушбу мақолада биз шулардан бири, 1915 йили форсийдан туркийга (ўзбекчага), тошкентлик Мулла Аъзамхон таржима қилган «Комили таъбир» китобидан фойдаландик.

Таъбирномаларда киши тушида нима кўрса, ўнгида нима бўлиши баён этилади. Масалан, тушида кишининг тиши тушса, унинг яқин кишиси ўлади, тушида от минса, ўнгида мартабаси улуғ бўлармиш, хотини ҳомиладор бўлган киши тушида бедана, ошиқ ёки қаламтарош кўрса, фарзанди — ўғил, агар қўғирчоқ, мунчоқ кўрса қиз бўлар эмиш. Тушида узук кўрган одам яхши амалга эришар, агар савдогар шундай туш кўрса, молу-дунёси кўпаяр ва аксинча, киши тушида узукни йўқотса, унинг бошига катта кулфатлар тушар эмиш. Шунингдек, тушида анор кўрган ёки уни олган одамнинг моли кўпаяр, агар уни дарахтдан узиб олса, у киши хотинидан кўп фойда кўрар эмиш. Шунга ўхшаш, киши тушида баландликка чиқса муродига етаркан, агар ўша жойдан йиқилиб тушса, дарҳол садақа бериши лозим бўлган, негаки бу ёмонлик нишонаси эмиш.

Юзаки қараганда, чинакам мўъжизадай туюладиган тушлар ҳам бўлади. Чунончи, Ҳиндистонда юз йилча муқаддам қизиқ бир ҳодиса юз берган. Маълумки, ўша вақтда Ҳиндистонда инглизлар ҳукмдорлик қилиб, ерли халқ қаттиқ сиқувга олинган эди. Натижада дам у, дам бу қабила инглизларга қарши исён кўтариб турган. Бир сафар дзегилар қабиласи қўзғолон кўтаради. Қўзғолонни бостиришга генерал Слиман бошлиқ отряд юборилган бўлиб, генералнинг ёнида хотини ҳам борарди. Отряд йўл-йўлакай бир жойда тунаш учун чодир тикибди.

Эрталаб генералнинг хотини тушига ўликлар кириб чиққанини айтибди. Туш жуда даҳшатли бўлиб, аёл уни эслашга ҳам қўрққан. Чодир ўрмоннинг хушманзара ерига тикилган эди. Кимдир генералнинг хотини тушида ўликларни беҳуда кўрмаганлигини айтибди. Чунки чодир тикилган жойда бир неча ой муқаддам инглизлар отиб ташлаган дзеги қабиласи кишилари дафн қилинган экан. Генерал дарҳол ўша ерни қазишга фармон берибди. Қазишса, чиндан ҳам ўн тўрт нафар одамнинг чирий бошлаган мурдаси топилибди. Бу воқеанинг гувоҳлари кўп бўлган, гўё ростдан ҳам мўъжиза рўй берганга ўхшарди. Ахир мурдалар генералнинг хотинига аён бўлганди-да!

Лекин бу воқеанинг сабаби жуда оддий. Гап шундаки, мурдалар ерга у қадар чуқур қўйилмаган бўлиб, қўланса ҳиди анқиб турган. Лекин уни тоза ҳавода ҳам, чодирда ҳам дарров сезиб бўлмасди. Генералнинг хотини ухлаётган пайтда ҳид димоғига келиб турган. Натижада бурун нервлари таъсирланиб, ҳид таъсири миягача бориб етган.

Эҳтимоллик назарияси бўйича шуни айтиш мумкинки, кўрилган тушларда воқеалар қанчалик кўп бўлса, улардан бирортаси албатта ҳаётий воқеага тўғри келиши керак. Бунда ҳеч қандай сирли нарса йўқ. Лекин хурофотга берилган одамнинг табиати шундай бўладики, гоҳо туши ўнгидан келиб қолса, унга ўнгидан келмаган жуда кўп бошқа тушларига нисбатан кўпроқ аҳамият бериб юради. Бошқача қилиб айтганда, тасодифан тўғри чиққан битта тушга қарши юзта нотўғрисини кўрсатиш мумкин, бироқ хурофотчи одам ўша, тўғри чиққан битта тушини ҳамма ёққа овоза қилади-ю, аммо нотўғри чиққан юзта туши ҳақида ҳеч кимга оғиз очмайди.

Аҳмадали САЙДАЛИЕВ,
фалсафа фанлари кандидати.

● Мақола қисқартириб босилмоқда.

Сайёҳ математик

Америка математика фанининг отаси Натаниел Баудич (1773—1838) боладикдан шу фанга ишқибоз бўлган. Бироқ, тақдир тақозоси била у 22 ёшида кемада ишлаш учун ёлланади, катта денгиз сафарларида иштирок эта бошлайди. Бу соҳада ҳам бўш келмайди. Баудич ўн йил ўтмай, олисга сузиш капитани унвонига эга бўлади. Ўтган асрнинг биринчи чорагида у елканли кемада Ер юзини бир неча карра айланиб чиқади. Унинг ҳар галги саёҳати деярли икки йил давом этарди.

Умри денгизда ўтишига қарамай, у математикага бўлган иштиёқини тарк этолмайди. У кемада яшаб юриб, унинг қатнов жадвалларини тузди, бу жадваллар тўплами 1800—1837 йиллар давомида тўққиз марта нашр этилди. Олим саёҳатдан бўш вақтларида Лапласнинг «Осмон механикаси»ни ўрганиб чиқиб, тўрт жилдли бу асарни инглиз тилига таржима қилди ва 11 минг изоҳ келтирдики, ўз изоҳларида Лапласнинг барча формулалари ҳосиласини чиқарди. Кейинчалик Баудич Бостон академиясининг президентлигига сайланди.

ТУЗОҚ

УЙДАГИ СУВАРАКЛАРНИ ҚАНДАЙ ЙЎҚОТИШ МУМКИН?

СУВАРАКларни йўқотиш учун дорихоналарда сотилаётган махсус тузоқдан фойдаланган маъқул. Тузоқ-қутичанинг ичига махсус ёпишқоқ модда (елим) суриб чиқилади. (Агар елим қўлга ёпишиб қолса, пахта ёғига ҳўлланган латта билан артиб ташлаш мумкин). Тузоқни ахлат челак ёнига, шкаф остига, ҳолодильник орқасига, ваннахонага, газ плитасининг остига қўйиб чиқинг. Агар сувараклар жуда ҳам кўпайиб кетган бўлса, ўн беш квадрат метр ерга бешта қутича қўйилса бўлади.

Лекин, сувараклар жуда ҳам эҳтиёткор, улар дарров тузоққа туша қолмайди. Улар уч-тўрт кун ичида тузоққа тушмаса, тузоқ ўрнини алмаштиринг. Қутича ичига кунгабоқар ёғига қовурилган бир бўлак нон ҳам солиб қўйинг. Бундан ташқари, пивога шимдирилган пахта ёки бир-икки бўлак юмшоқ нон ҳам сувcovакларни ўзига жалб қилади. Сувараклар тузоққа тушгач, бошқалари ҳам уларнинг ҳидини билиб келаверади.

Сувараклар билан тўлган қутичани ташлаб юбориб, кейин янгисини қўйиб қўйинг. Тузоқни ишлатиш муддати ҳаво ҳароратига боғлиқ. Агар ҳаво ҳарорати 18—20 даража иссиқ бўлса, ундан бир ойгача фойдаланса бўлади. Ёз кунлари ёпишқоқ модда тез қуриб қолиши боисидан тузоқни тез-тез янгилаб туриш керак.

Одам ва уй ҳайвонлари учун тузоқнинг зарари йўқ, чунки ундаги ёпишқоқ модда заҳарли эмас. Тузоқ-қутичадан профилактика мақсадида, айниқса касалхона, болалар муассасалари, ошхоналарда фойдаланиш жуда қулайдир.

ДАСТЛАБКИ ТАШВИШЛАР

(ФУТБОЛ ШАРҲИ)

Футбол бўйича СССР 47-чемпионатининг олий лига командалари тўрт тур учрашувларини ўтказишди. Бу учрашувлар ўтган йилги маҳорат ҳақидаги фикрларни деярли бекорга чиқариб юборди. Орқада бораётган командалар юқорига кўтарилишди. Ўтган йилги мавсумда ўзларини яхши томондан кўрсатган командаларнинг эса, аксинча, ўйинлари қовушмаяпти.

Тошкентнинг «Пахтакор» командаси мавсумни яхши бошламаганлиги, у барча мухлисларини ташвишлантираётганлиги табиий ҳолдир. Ҳақиқатни айтганда саккиз имкониятдан фақат икки очко тўпланганлиги жуда ачинарли. Мухлислар ҳеч қачон буни хаёлларига ҳам келтиришмаган эди. Баҳорги ташвишларимизга сабаб бўлган ана шу омадсизликларнинг сабабларини таҳлил этайлик.

Энг аввало, «Пахтакор»нинг мавсумни яхши кутиб олишига тўсқинлик қилган ноқулайликлардан кўз юмиб бўлмайди. Қиш қаттиқ келди, қор кўп ёғди. Шу боисдан ҳам пахтакорчилар чемпионатни яхши кутиб олишолмади. Кейин эса Воронеж шаҳрининг «Факел» командаси билан бўлган учрашувда тошкентликлар енгилишди. Бу учрашувда ҳамшаҳарларимиз жуда кўп имкониятлардан фойдалана олмадилар.

Бир неча ўйинчининг жароҳатланиши ҳам «Пахтакор»нинг мавсумни тўла тайёргарлик билан кутиб олишига ҳалал берди. П. Исломов, В. Жилкин, Х. Бойметов, К. Новиковлар жароҳатланишди. Мавсум бошланиши арафасида Г. Денисов сафдан чиқди. У зарур бўлган тақдирда ҳимоячи ва ярим ҳимоячи вазифасини ҳам яхши бажара оларди. Бунинг устига командада ўзгаришлар давом этди. Коллективга янги келган Э. Гесс ва С. Юрчишин командадошлари билан ҳали тил топиша олмаганлигини ҳам айтиш керак.

Харьковликларнинг устози Е. Лемешко айтганидек, эртами-кечми Якубикка ўринбосар топиш керак эди. Бу осон вазифа эмас. Уни ҳал қилиш учун вақт керак.

Шунга қарамасдан пахтакорчилар мавсумни яхши бошлаш имкониятига эга эдилар. Улар Тбилисида «Динамо» командаси билан бўлган учрашувда сусткашликка йўл қўйишди. Мутахассисларнинг фикрига қараганда Бокуда «Нефтчи», Тошкентда «Арарат» командаси билан бўлган учрашувда пахтакорчилар уюшқоқлик билан ҳаракат қилишди. Улар чиройли комбинациялар ишлатишди, катта тезликда ҳужум уюштиришди. Тўғри, Бокуда бундай ҳол анча кам бўлди. Ереванликлар билан бўлган учрашувда эса тошкентликлар шиддаткор ўйин кўрсатиб, ғалабани қўлга киритишди.

«Металлист» командаси билан бўлган учрашувда тошкентликларнинг ўйини қовушмади. Ўта эҳтиёткорлик, асосан ҳимояга эътибор бериш меҳмонларга қўл келди. Улар пахтакорчиларнинг кенг фронт бўйлаб ҳужум қилишларининг олдини олишди. Меҳмонларнинг ярим ҳимоячилари ва ҳужумчилари мезбонларнинг жарима майдонида тўп учун курашни бошлаб, уларга эркин ҳаракат қилиш имконини беришмади. Бундай вазиятда узоқ масофадан бир-бирига тўп ошириш усулидан фойдаланиш лозим эди. Қанотлардан шиддатли ҳужум уюштириш керак эди...

Бунинг ўрнига пахтакорчилар қисқа масофадан тўпни бир-бирига узатишга берилиб кетиб, ташаббусни қўлдан бериб қўйишди. Шу туфайли мағлубиятга учрашди.

Шу ўринда командага энг зарур бўлган икки ўйинчи ҳақида тўхтаб ўтишни истардик. Ярим ҳимоячи А. Журавлев ўтган йилдагига нисбатан ёмон ўйнаяпти. У имкониятидан тўла фойдаланса, командасининг ҳақиқий диспетчери бўлиши мумкин. Шунингдек, ҳужумчи М. Кабаев ҳам куйиб-пишаётгани йўқ. Худди шу нарса унга маҳорат чўққисини эгаллашга тўсқинлик қиляпти. Ваҳоланки, бу ўйинчи ҳам қобилиятли спортчи ҳисобланади.

Тўрт тур якуни мухлисларни қаноатлантирмайди. Аммо «Пахтакор» ҳужумкор ўйин кўрсатиш имкониятига эга. Апрель ойи мухлислар учун ва команда учун омадли бўлади деган умиддамиз.

Э. АВАНЕСОВ,

«Тошкент оқшоми» футбол шарҳловчиси.

СУРАТЛАРДА: «Пахтакор» ва «Металлист» командалари учрашувларидан лавҳалар.

Р. Заграддинов фотолари.

• СУД ЗАЛИДАН

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Совет кишилари ҳалол меҳнат қилиб социалистик мулкни асраш ва кўпайтириш борасида кўп иш қилмоқдалар. Афсуски айрим кишилар учраб турадики, улар социалистик турмуш қоидаларига зид хатти-ҳаракатлари билан софдил кишиларнинг оромини бузадилар, давлат, жамоат, гражданлар мулкига кўз олайтирадилар. Лекин уларнинг қилмишлари жазосиз қолмайди. Яқинда Тошкент шаҳар судида кўрилган иш бунга далил бўла олади.

Суд залига йиғилганларнинг нигоҳи бошини хам қилиб ўтирган ўн нафар йигитга қаратилган. Уларнинг энг катта ёшдагиси 33 да, кичиги 23 да. Улар суд ҳайъати раисининг саволларига жавоб беришар экан, ўз қилмишларидан пушаймон қилаётганликларини таъкидламоқчи бўлишади. Гоҳо ўз жиноятларининг айрим эпизодлари бўйича кўрсатувларини қисман ўзгартиришга интилишади. Гоҳо бир-бирларига секин кўз қисиб қўйишади. Буларнинг ҳаммаси жиноятни енгиллаштириш ниятидаги уринишлардир. Ҳолбуки, улар қанчалаб одамларнинг оромини бузишган, зўрлик, муттаҳамлик, фирибгарлик билан салкам бир йил мобайнида муттасил ўғрилик билан шуғулланишган.

Суд давомида «иш қуроли» отвёрка, мих суғургич бўлган бу группанинг барча қилмишлари ошкор этилди. Улар Фарғона, Жиззах, Тошкент областлари ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган давлат, жамоат ташкилотларининг, уларда хизмат қилаётган ходимларнинг пул маблағларини ва бошқа турдаги мулкларини ўғрилик, босқинчилик ва фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилиб келганлар. 1982 йилнинг август ойидан то 1983 йилнинг март ойи охирига қадар қирқдан ортиқ жиноят содир қилганлар. Давлат ва жамоат ташкилотларининг 121 минг сўмдан ортиқ, гражданларнинг 14 минг сўмдан ортиқ мулкларини ўғирлаганлар. Бундан ташқари улардан айримлари маиший бузуқлик, безорилик қилган.

Мана, улар суд мажлисида ўз айбларига иқрор бўлиб, нималарни баён қилишди.

Мирзалиев: «... Биринчи бўлиб Раҳмонов, Қанаҳатов ва мен қишлоқ хўжалиги институти биносида ўғрилик қилдик. Сейфни Қанахатов бузди... 2 та ЭВМ, кинокамера, 300 сўм пул, парда олдик». «... Назарбек қишлоқ Советига борганмиз. Биринчи хонадаги сейфни бузиб 60 сўм, иккинчи хонадаги сейфни бузиб 600 сўм, депутатлик гувоҳномалари ва нишонларини, телевизорни ўғирладик... Бўлашиб олдик. 50—60 сўмни ошга олиб қолдик...».

Ҳайитов: «ТошДу амалий математика ва механика факультетига ўғирликка кирдик... Студентлик билети, зачёт книжкалари, справка бланкаларини олдик. Шу справкаларни уч марталаб ишлатдик. «Ташгорпрокатразнобит»дан шу қалбаки справкалар бўйича телевизор, холодильник, чинни идишлар олганман».

Қанахатов: «Қурбоновнинг автомашинасида Дўстлик матлубот жамиятининг идорасига бордик, эшикни буздик, сейфни буздик, пул, спиртли ичимликлар олдик», «... Раҳмоновнинг автомашинасида бориб, «Эски Тошкент» ва Гулбаҳор почта бўлимларида ўғрилик қилдик. Қайси биридан нима олингани эсимда йўқ. Аммо пул, соатлар, кийимлар ва бошқа нарсаларни сейфларни бузиб олдик. «... Мен ҳам 17-прокат пунктидан фирибгарлик йўли билан «Янтарь» рангли телевизори, стабилизатор, антенна олиб ўзлаштириб юборганман».

Қобилов: «ТошПИ ётоқхонасининг камера хранениясини ўғирладик. Кийим, пул, паспорт, телевизор... олдик. Пальтони 70 сўмга сотиб юборганман». «... Фрунзе районидаги 7-ошхона сейфини бузиб, 3487 сўмлик автобус ва троллейбус абонементларини, 50 сўм пулини ўғирладик». «... Фарғона область Киров районидаги «Москва» колхозига бордик. Правление идорасига кирсак, қоровул бор экан. Шолча ва кўрпачага ўраб қўйдик... Сейфни бузиб 37 минг сўмдан ортиқ пулини олдик. Менга 7 минг тегди».

Қурбонов: «Москва» колхозига бориб келгач, Мирзалиев менга 7100 сўм берди. Бу пулга уч минг сўмлик Югославия гарнитури, палос, 580 сўмга иккита Бельгия пальтоси, тилла узук, машинамга эҳтиёт қисмлар сотиб олдим». «... Жиззах область Пахтакор районидаги 6-совхозга бориб, мен машинамда қолдим, улар кетишди. Анча вақтдан кейин келишди. Тошкентга келганимизда Мирзалиев менга 8000 сўмдан кўпроқ, деб пул берди».

Бошқа судланувчилар Раҳмонов, Шомуродов, Асқаров, Шамсиддинов, Шарипов ҳам ўз қилмишларини тан олиб, у ёки бу жиноятни қандай амалга оширганликларини гоҳ ҳаспўшлаб, гоҳ очиқ-ойдин гапириб беришди. Юқорида айтилганлар улар амалга оширган жиноий ишлардан бир шингил, холос. Уларнинг бошқа қилмишлари ҳам терговов, экспертиза хулосалари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, далилий ашёлар билан исботланди. Улар ўзларининг ғаразли ишларида шериклари бўлмиш Қобилов, Қурбонов ва Раҳмоновларнинг автомашиналаридан фойдаланишган. Фарғона ёки Жиззах областига, Тошкент области районлари ёки Тошкент шаҳрининг у чеккасидан бу чеккасига «ғизиллаб» бориб, бир кечада ишни битириб, «ғизиллаб» қайтиб келаверишган. Кундузи ошхўрлик-майхўрликдан қўллари бўшамаган. Таниш-билишларига, қариндошларига совға-салом қилишни, шахси номаълум кишиларга «садақа» беришни ҳам унутишмаган.

Ҳалол кишиларнинг мулкини ўғирлаб, текинхўр «бойвачча» бўлиб қолганларнинг саҳийлигини қаранг! Хўш, ана шу таниш-билишлар, қариндош-уруғлар-чи! Совға-саломга бунчалик ўч бўлишмаса!.. Улардан биттаси бешта соатни [!] совғага олган. Тўхта, ўзинг ўқишни яқинда битиргансан, жарақ-жарақ пулни, даста-даста соатларни қаердан олдинг, дейиш қийинмиди!

Жиноятчилардан бири А. Мирзалиев Тошкент политехника институтининг химия-технология факультетида, М. Шамсиддинов ТошДУ химия факультетида, Ш. Ҳайитов тарих факультетида ўқиган. А. Раҳмонов Жиззах область Октябрь районидаги 6-боғдорчилик совхозида ишчи, М. Қурбонов Қўқон шаҳар 28-ҳунар-техника билим юртида ўқув мастери, битта жиноятда қатнашган И. Шарипов Урганч шаҳар қурилиш материаллари заводида мастер бўлган. Ана шу коллективлар қаёққа қарашди! Наҳотки улар ўз студентлари, ўз ходимларининг ўта тез «бойвачча» бўлиб қолиши-ю, ўқиш, иш пайтида тез-тез ғойиб бўлиб қолишини сезишмаган бўлишса! Сезишган, лекин бепарво бўлишган, ўзларининг гражданлик бурчларини унутишган кўринади. Башарти, улар бепарво бўлишмаганида эди, коллективлари шаънига доғ тушмаган, жиноятнинг олди олинган бўлур эди.

Суд жиноятчиларга жазо чорасини белгилашда айбдорларнинг илгари судланган ёки судланмаганлигини, содир этилган жиноятлардаги иштирокини, уларнинг оилавий аҳволини, коллективлардан берилган характеристикаларни ҳам ҳисобга олди. Судланувчи А. Мирзалиевни — 13 йил, О. Қанахатовни — 13 йил, А. Раҳмоновни — 10 йил, О. Қобиловни илгари ўтамаган жазони қўшиб — 14 йилу 6 ой 17 кун, М. Қурбоновни — 13 йил, М. Шомуродовни — 10 йил, К. Асқаровни — 10 йил, бошқа судланувчиларни ҳам икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарилди. Жиноят йўли билан олинган ва жиноят қуроли бўлган учта автомашина ва бошқа мол-мулклари мусодара қилинди.

Ҳар ким ўз қилмиши жабрини тортади, деб бежиз айтишмаган. Жиноят ҳам ҳеч қачон жазосиз қолмайди.

С. САЛИМОВ,

Тошкент шаҳар судининг раиси.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг

ТОШКЕНТ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984—1985 ўқув йили учун

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

БОҚҚОЛЛИК-КОНДИТЕРЛИК, ГАСТРОНОМИЯ, ГЎШТ-БАЛИҚ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ, ГАЗЛАМА, ТИКУВ БУЮМЛАРИ, ПОЙАФЗАЛ, ТРИКОТАЖ, ГАЛАНТЕРЕЯ, ПАРФЮМЕРИЯ, МАДАНИЙ-МАИШИЙ ВА ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИНИ СОТУВЧИ ВА СОТУВЧИ КОНТРОЛЕР-КАССИРЛАР.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати 1 йил.

ДАРСЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиган 15 ёшдан 20 ёшгача (Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар 23 «ёшгача) 8, 9, 10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Билим юртини тугатганларга «КИЧИК СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ-КОНТРОЛЕР-КАССИР» деган малака берилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланади. Ўқувчиларга 32 сўм ва 41 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги Бош универмаг— ГУМ, «Гастроном» республика конторасига қарашли йирик магазинлар ва «Универсам»ларда ўтказилади.

Агар билим юртини битирувчи ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлиб, малака бўйича ҳам имтиҳонларни муваффақиятли топширса, педагогик советининг қарорига мувофиқ билим юртини битириб бир йўла олий ўқув юртининг кундузги бўлимига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлади (битирувчилардан 10 проценти).

Билим юрти қошида кечки ўрта мактабнинг 9, 10, 11 синфлари ишлайди.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли нусхаси), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, характеристика, халқ депутатлари область Совети ижроия комитети Савдо бошқармасидан ёки халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети савдо бўлимидан йўлланма.

Билим юрти адреси: Тошкент —700173, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобур кўчаси, 3-уй. Телефон 78-44-30 (4, 9-трамвайларнинг «Чўпон-ота», 13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами» клиник касалхонаси бекати).

Тошкент область Оржоникидзе районидаги

21-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

Кенг ихтисосли тракторчи-машинист (ремонт қилиш слесари ва автомобиль ҳайдаш ҳуқуқи билан), **мева сабзавотчилик — усталари, чорва молларини ветобработка қилиш ва молхоналарни дезинфекция қилиш операторлари, чорвачилик фермалари механизаторлари** (электромонтёрлик квалификацияси билан), **чорвачилик комплексларида ишлатиладиган ускуналарни ремонт қилиш слесарлари, чорвачилик — усталари, 3-класс тракторчилари.**

БИЛИМ ЮРТИ 1962 ЙИЛДАН БОШЛАБ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИШЛАШ УЧУН ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАБ КЕЛАДИ.

Малакали ишчилар тайёрлаш учун билим юртида барча шарт-шароитлар муҳайё этилган: Ўқув кабинетлари барча замонавий асбоб-ускуналар, кўргазмали қуроллар ва техникавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Танлаган касбингиз бўйича барча ўқув қуроллари мавжуд бўлиб, касбингизни пухта эгаллашга имкон беради.

Барча ўқувчилар стипендия, уч маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, фототўгарак, футбол, волейбол, баскетбол, кураш, бокс, стол тенниси мунтазам ишлаб туради. Алоҳида футбол майдони, отиш тири мавжуд.

Ўқиш давомида ўқувчилар Ватанимизнинг гўзал ва қаҳрамон шаҳарларига экскурсияларга борадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртларига ўқишга конкурссиз кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўқиш муддати 3 йил ва 1 йил. 3-класс тракторчи группаларида ўқиш муддати 6 ой. Ўқиш 15 мартдан бошланади.

Ўқишни битирган барча ўқувчиларга, Тошкент авиазаводида ишлаш учун йўлланма берилади.

Кенг ихтисосли тракторчи-машинист ва мева-сабзавотчилик усталари группаларига фақат 8-синфни битирган ўқувчилар қабул қилинади. Қолган мутахассисликлар бўйича 3 йиллик группаларга 8 синфни битирган ва 1 йиллик группаларга 10 синфни тугатган йигит ва қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, 8 ёки 10 синфни битирганлик ҳақида шаҳодатнома, турар жойидан справка, 8 дона 3х4 см. ҳажмидаги фотосурат. Билим юрти адреси: Тошкент область, Оржоникидзе райони «Геофизика» посёлкаси. Тошкент шаҳридан (1, 16, 24-автобусларда «Троицкий поворот» бекатигача бориладн Горький номли метро — станциясидан 63-автобусда, 1-«Қорасув» бекати, Луначарский шоссеси «Центр» бекатидан «Тошкент—Чингелди», «Тошкент—Тузель» автобусларининг «Геофизика» бекати).

М. Қорнёқубов номидаги ўзбек Давлат филармо

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИ

8 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИ-КОНКУРСИ ВА ЎЗБЕК ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕ

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбе Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг

НАРЗИДДИН ШЕРМАТОВ

IV Жаҳон фестивалининг лауреати

АНВАР РУСТАМОВ

Солистлар: Дадахон ҲАСАНОВ, Салоҳиддин МУҲ НОВ, Раҳимахон НОСИРОВА, Клара ИБРОҲИМОВА

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради. «ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош мейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган арт Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати МЎМИНОВ.

Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/IV да **Оққуш кўли**, 7/IV да **Кармен**, 8/IV да **Золушка** (12.00), **Иоланта** (19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/IV да **Рўё**, 7/IV да **Ғариблар**, 8/IV да **Олтин девор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/IV да **Мангулик**, 7/IV да **Тошболта ошиқ**, 8/IV да **Ватан ишқи** (12.00, 19.30).

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Совет цирки усталари ва татар «Сабан тўйи» аттракционининг томошалари (19.30).

кино

6 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-36-06), **Янгиобод** (тоқ соатларда, телефон 96-36-21).

«ТАБИБ» — **Чайка** (18.30, 21.00, телефон 77-06-20).

«ҚОРАШАҚШАҚЛАР» СИРИ» — **Санъат саройи** (катта залда, соат 17, 19, 20.30), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-65-84).

«САРИҚ ГУЛ» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 47-70-69).

«ОСМОН ДАРВОЗАСИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ДАРБАДАРЛИК ЭРТАГИ» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ЛЮБОВЬ ОРЛОВА» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«РЕВАНШ», «ПОЛИЦИЯ КОМИССАРИ ВА КИЧКИНТОЙ» — **Дружба** (17, 20.00; 18, 21.00, телефон 66-15-75).

7 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52) **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 58-36-06), **Янгиобод** (тоқ соатларда, телефон 96-36-21).

«ҚОРАШАҚШАҚЛАР» СИРИ» — **Санъат саройи** (катта залда, соат 11, 13, 15, 17, 19, 20.30 да), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жу ларда, телефон **Мир** (тоқ соатларда, 91-65-84).

«ТАБИБ» — Чай 13.30, 16, 18.30, 21 фон 77-06-20).

«САРИҚ ГУЛ» (тоқ соатларда, 47-70-69).

«ОРТИНГГА БО **Восток** (жуфт соатла фон 91-14-61).

«ЛЮБОВЬ ОРЛО **Искра** (жуфт соатла фон 39-14-59).

«РЕВАНШ», «ПО КОМИССАРИ ВА К ТОЙ» — **Дружба** (11, 20.00; 12, 15, 18, 21 фон 66-15-75).

4-САНАТОРИ МАКТАБ-ИНТЕРН

1984-1985 ўқув й

сколиоз касаллиги

болалари

ЎҚИШГА

ҚАБУЛ ҚИЛА

Тошкент шаҳрида болалар 1-синфдан 10 гача қабул қилинади

Ўқиш ўзбек ва ру ларида олиб борилади

Мактаб-интернат зор райони, Санoат 14-уйда жойлашган.

Қуйидаги транс билан бориш мумкин троллейбуслар, 123 нинг «Интернат» бекат

Консультация олиш ҳар куни соат 10.00 14.00 гача мурожаат мумкин.

Тошкент область Т районидаги 37-ўрта томонидан **Абдуллаева но Эргашевна** номига ган 081671 номерли ган

ЎРТА МАЪЛУМО ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНА

И. Охунбобоев номл публика медицина те ми томонидан Ах **Фарида** номига бер 979600 номерли йўқол

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНА

Тошкент область, Ор кидзе районидаги 13 мактаб томонидан А **Умбетали** номига бер 822738 номерли йўқол

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАД

ТВ

ЖУМА

6 АПРЕЛЬ

● МТ I

18.05 —18.20 «Тампера—ишчилар шаҳри» (Финляндия). Киноочерк.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва турмуш».
20.00 «Жаҳон киноси усталари». Кинорежиссёр Стенли Крамер (АҚШ).
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Днепр» — «Спартак» Танаффус пайтида (22.45)—«Агар соғлом бўлай десанг». 2-кўрсатув. Кўрсатув тугагач (23.45) — Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Магнит суюқликлар». Илмий-оммабоп фильм.
19.00 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Н. Петров чалади. (фортепьяно).
19.30 «Оналарнинг мактаби».
20.00 —20.30 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
20.45 «Инсон ва қонун».
21.15 «Московские зори» хотин-қизлар хори куйлайди.
21.30 «Время».
22.00 «Телефондаги дада». Телевизион бадиий фильм премьераси (ВХР).
23.00 «Музика ҳамма учун».
00.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (Минск). 2-тайм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Дружина шаҳар кезади».
18.40 «Социалистик мусобақа ғолиблари ҳузурида» (рус.).
19.10 «Ўлкамизни боғ-роғларга буркаймиз».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби.
20.30 «Ахборот».
20.50 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Дунё воқеалари».
22.30 «Эртага — премьера» Кинокўрсатув.
23.35 Фигурали учиш бўйича СССР чемпионати. Қисқа программа. Хотин-қизлар Репортаж.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Ўқитувчилар учун консультация.
18.35 «Қўшиқнавис шоирлар». З. Обидов (такрорий).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Шаҳримизнинг гўзаллиги ва озодалиги учун».
20.50 «Саҳро қандай бўлади», «Мен кимман ўзи». Телефильмлар.
21.30 МТ II.

ШАНБА

7 АПРЕЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Жаҳон саломатлик кунига бағишланган телефильмлар.
10.35 «Спортлото»нинг 14-тиражи.
10.45 «Чашмалар».
11.20 «Сиз бунга қодирсиз».
12.05 Э. Григ. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун концерт.
13.00 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби.
14.25 «Молчанова кўчасилик Молчанова». Телефильм премьераси. «Улкан тақдир эгалари» туркумидан.
14.55 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.25 «Дунё воқеалари».
15.40 «Кумушранг ўтлоқ». Фильм-концерт премьераси.
16.05 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
16.35 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
17.35 Ҳинд артистларининг чиқиши.
18.20 Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати.
18.50 Мультфильмлар.
19.10 Опера санъати усталари.
20.05 «Мешчерск ўлкасида».
20.20 «Сариқ қуш». Телевизион бадиий фильм премьераси.
21.30 «Время».
22.00 Концерт.
22.50 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тбилиси) —«Динамо» (Киев).
00.20 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Моҳир қўллар».
10.00 «Тонги почта».
10.30 «Ҳужжатли экран».
11.30 С. Танеев романслари.
11.50 «Ота билан учрашув». Телефильм. Автор—В. Дунаев.
12.50 ОРЕНБУРГ ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
14.20 «Манёвр учун масофа». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.
16.25 «Цирк майдонида».
17.30 Ф. Гладков ижоди саҳифалари.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
19.15—20.30 «Здоровье».
20.45 «Халқаро обзор».
21.00 «Музикали киоск».
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати «Торпедо»— «Жальгирис». 2-тайм.
22.45 «Бу ажойиб дунё». Фильм-концерт.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 ЎзССР ва Ўзбекисто партияси ташкил топ гининг 60 йиллигига жатли кино экрани.
11.10 Фигурали учиш СССР чемпионати бўлиб учиш. Эркин про ма. Репортаж.
11.50 «Шахмат мактаби».
12.20 Жаҳон саломатлик «Инсон қалби ҳақида са». Бадиий фильм.
13.20 Телевизион театр Ў. Хошимов. «Дунёни лари».
14.50 «Буни ҳамма билиши уддалаши керак».
18.00 Кўрсатувлар програм
18.05 Қўғирчоқ фильм.
18.20 Болалар учун. «Санъат чалари».
19.00 «Бугун — Жаҳон сал лик куни».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Телевизион миниатюр театри.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон ССР хал тисти, композитор Ғ. матовнинг авторлик ке
21.30 Москва. «Время».
22.00 Композитор Ғ. Тош авторлик кечасининг да
23.00 Фигурали учиш СССР чемпионати. рақслар. Репортаж.
23.40 Кўрсатувлар программ

● 17.55 — 21.30 ТОЖИКИС ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ГРАММАСИ.

Ўзбекистон ССР Гўшт сут саноати министрлиги марказий конструкторлик йиҳа-технология бюроси лективи кекса ходим

Исмоил Соатович

ОРИПОВнинг

вафот этганлигини чуқур ғу билан билдириб, марҳ нинг оила аъзоларига таъ изҳор қилади.

Редактор

Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

6 АПРЕЛЬ, 1984 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

Р. 12181

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-5 шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11